

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАҚСЫМУРАТОВ КАЗБЕК РАДЖОВИЧ

**ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
economic sciences**

Жаксымуратов Казбек Раджович

Қурилиш корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)..... 3

Жаксымуратов Казбек Раджович

Совершенствование механизма налогообложения в строительных
организациях (на примере Республики Каракалпакстан).....27

Jaksimuratov Kazbek Radjovich

Improving the mechanism of taxation of construction companies (on the example
of the Republic of Karakalpakstan).....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works58

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАҚСЫМУРАТОВ КАЗБЕК РАДЖОВИЧ

**ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.4.PhD/Iqt418 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тошматов Шухрат Амонович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хайдаров Низамиддин Хамраевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Камилов Мирзохид Мирсобитович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.I.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Н. Раҳимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Исламкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Д.Ҳ. Пулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қурилиш соҳасининг тараққиётида солиқларнинг ижобий таъсирини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқига аъзо давлатларда солиқ тушумлари (ижтимоий суғурта бадаллари билан бирга ҳисобланганда) ўртача ЯИМнинг 41,1 фоизини, шу жумладан, Австрияда 43,1 фоиз, Швецияда 43,6 фоиз, Норвегияда 40,2 фоиз ва энг паст кўрсаткич Испанияда 35,4 фоизни ташкил этган¹. Ривожланган мамлакатлар хўжалик субъектлари фаолиятига солиқларнинг таъсирини доимий равишда назорат қилиб, солиқ юқини пасайтириб бориш қурилиш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Шу боис, қурилиш корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида қурилиш ҳажмининг кўпайиши натижасида қурилиш корхоналарида молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш, қурилиш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсирини баҳолаш, қурилиш корхоналари томонидан тўланадиган солиқларни оптималлаштириш уларга солиқ юқини пасайтириш, қурилиш корхоналари ва солиқ органлари ўртасида молиявий муносабатларда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» вазифаси белгиланди². Мазкур вазифа ижросини таъминлашда, жумладан, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш, қурилиш корхоналарига солиқ юқини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, замонавий шаҳарсозликни барпо этиш каби стратегик мақсадларга эришишда қурилиш корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2018 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон

¹ https://ec.europa.eu/eurostat/databrowser/view/gov_10a_taxag/default/table?lang=en

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонида 1-илова.
//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б

«Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йўқилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқлар ва солиққа тортишнинг назарий асосларига оид назарий қарашлар А.Исаев, М.Кулишер, В.Пансков, У.Петти, Д.Рикардо, А.Соколов, А.Смит, Д.Черник, А.Лаффер, Ф.Рамсей каби олимнинг илмий асарларида баён этилган³.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан О.Абдурахмонов, М.Альмардонов, Э.Гадоев, А.Жўраев, А.Исламкулов, М.Камилов, О.Комолов, Т.Маликов, А.Маманазаров, Б.Ташмурадова, Ш.Тошматов, Б.Умаров, Н.Хайдаров, Қ.Яҳёев⁴лар солиқларнинг назарий жиҳатлари, иқтисодий моҳияти, давлат

³Исаев А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003.–270 с.; Кулишер М. Очерки финансовой науки. Петроград: Книгоиздательство «Наука и школа», 1919. –290 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003. - 336 с.; Петти У. Трактат о налогах и сборах. – М.: Ось-89, 1997. –346 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. – 360 с.; Соколов А. Теория налогов. –М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003.–506 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. англ. Москва, 1962 г. – 408 с.; Черник Д. Введение в экономико-математические модели налогообложения. – М.: Финансы и статистика, 2000.– 256 с.; Alexander Odishelidze and Arthur Laffer. Pay to the Order of Puerto Rico. Allegiance Press, USA, 2004. – 455 p.; Ramsey F.A. Contribution to the Theory of Taxation // Economic Journal. 1927. No. 37. P. 47-61;

⁴ Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. – М.: Издательство «Палеотин», 2005. – 376 с.; Альмардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003. – 233 б.; Гадоев Э.Ф.ва бошқ. Солиққа оид хатолар. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1996. – 128 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография. – Т.: «Фан», 2004. – 243 б.; Исламкулов А.Х. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш. и.ф.д.(DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 76 б.; Камилов. М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. илмий даражасин олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007 - 22 б.; Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражаси бўйича диссертация автореферати. – Тошкент, 2009; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002. – 204 б.; Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2002.–22 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: «Fan va technologya». – 2008. – 204 б.; Тошмурадова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми.

бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг ролини ошириш ва республикада айрим солиқларнинг ҳисоблаш механизмига доир долзарб масалаларни тадқиқ этишга ўз ҳиссаларини қўшган. Қорақалпоғистон Республикасида солиқ соҳасига оид илмий изланишлар М.Абишов, К.Кудияров, А.Мусагалиевлар томонидан олиб борилган⁵. Бироқ, мазкур илмий ишларда қурилиш корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли равишда тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси маълумотлари асосида қурилиш корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг назарий-услубий асосларини танқидий тадқиқ этиш;

қурилиш корхоналари тўлаётган солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва тенденцияларини баҳолаш;

қурилиш корхоналарида нархларни шакллантириш омиллари ва унга солиққа тортиш тизимининг таъсирини тадқиқ қилиш;

қурилиш корхоналарининг даромад ва фойдасини солиққа тортиш механизмини қийслаш;

қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-созлаш фаолиятида қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш хусусиятларини таҳлил қилиш;

қурилиш корхоналарида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш механизмини тадқиқ қилиш;

қурилиш корхоналарини солиққа тортиш тартибини такомиллаштиришда илғор хориж тажрибаларини қўллаш истиқболлари бўйича илмий қарашлар ва ёндашувларни илмий асослаш;

– Т.: «Янги аср авлоди», 2002. –128 б.; Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. – Тошкент: «Akademiyа», 2005. – 128 б.; Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2003. – 247 б.; Умаров Б.С. Корхоналар мол-мулкни солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. –Т.: БМА, 2002. – 22 б.

⁵ Абишов М.С. Эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011 й. – 24 б.; Кудияров К.Р. Корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 52 б.; Мусагалиев А.Ж. Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш йўллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.д. (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019 й. – 66 б.

қурилиш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятига пандемия давридаги глобал инқироз ҳолатларининг салбий таъсирини юмшатишда солиқлардан фойдаланиш йўналишларини тадқиқ қилиш;

қурилиш корхоналари солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасидаги қурилиш корхоналарини солиққа тортиш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предметини қурилиш корхоналарини солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида тўпланган статистик маълумотларни қайта ишлаш, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил қилиш, гуруҳлаш, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилиш корхоналарида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни харид қилишда мол етказиб берувчиларга тўланган машина ва механизмларга тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини 12 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

қурилиш корхоналари томонидан ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, норматив муддат белгиланмаган ҳолларда қурилиш бошланганидан 24 ой ичида тугалланмаганда, мол-мулк ва ер солиғининг уч бараварга оширилган ставкаларини қўллаш амалиётини бекор қилиш таклиф қилинган;

қурилиш корхоналарида фойдаланиладиган цемент хом ашёси учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкасини ошириш билан бирга, солиқ солинадиган базани аниқлаш механизмини такомиллаштириш таклиф этилган;

қурилиш корхоналарида иш ҳақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашда меъёрий миқдорларни бекор қилиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қурилиш корхоналарида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сотиб олишда машина ва механизмлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини муайян муддатга тенг улушларда ҳисобга олиш зарурлиги асослаб берилган;

солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган қурилиш корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-сметада норматив муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари бўйича оширилган ставкаларни қўллаш амалиётини бекор қилиш асослаб берилган;

марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш ишларидан ташқари, қурилишни амалга оширувчи қурилиш корхоналарига айланмадан солиқ тўлаш тартиби татбиқ этилмаслиги, ушбу корхоналар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этилиши зарурлиги таклиф этилган;

қурилиш корхоналари томонидан қурилаётган турар жойлар кейинчалик сотишга мўлжалланганда, олти ойлик муддатдан сўнг мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объектига киритилиши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли корхоналар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қурилиш корхоналарини солиққа тортиш борасида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш жараёнида ҳамда мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ хизмати органлари томонидан қурилиш корхоналарида солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилиш корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қурилиш корхоналарида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни харид қилишда мол етказиб берувчиларга тўланган машина ва механизмларга тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини 12 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиб боришга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини (2018 й.) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18796-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган «QALBAQ QURILIS» МЧЖ қурилиш корхонасида 2019 йилда 117 500,0 минг сўм миқдоридagi маблағларнинг корхона ихтиёрида қолишига эришилган;

қурилиш корхоналари томонидан ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, норматив муддат белгиланмаган ҳолларда қурилиш бошланганидан 24 ой ичида тугалланмаганда, мол-мулк ва ер солиғининг уч бараварга оширилган ставкаларини қўллаш амалиётини бекор қилиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2018 й.) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18796-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи хизмати «Инжиниринг компания»сининг 2020 йил 5 августдаги №636-01/02-сонли маълумотномалари). Бунинг натижасида, Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш корхоналарида ер ва мол-мулк солиқларининг уч қарра оширилган ставкалари қўлланмаслиги ҳисобига 2019 йилда 115 606,2 минг сўм миқдоридаги маблағларнинг тежаб қолинишига эришилган;

қурилиш корхоналарида фойдаланиладиган цемент хом ашёси учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкасини ошириш билан бирга солиқ солинадиган базани аниқлаш механизмини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарори билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18796-сонли маълумотномаси). Натижада, «KKRASI BETON» хусусий корхонасида цементнинг бир тоннага ҚҚСсиз ўртача нархи ((585+514,3)/2-333,3) 216,4 минг сўмга арзонлашишига эришилган;

қурилиш корхоналарида иш ҳақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашда меъёрий миқдорларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 июндаги 14-18796-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, «Уй-жай қурилиш» МЧЖ қурилиш корхонасида 2014-2018 йиллар оралиғида 80 501,7 минг сўм миқдордаги молиявий ресурслар асосий фаолиятдан четланишига сабаб бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган – жами 5 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 3 та, халқаро журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг назарий, услубий асослари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида қурилиш корхоналари томонидан тўланган солиқ тушумларининг туган ўрни, қурилиш корхоналарида нархларни шакллантириш омиллари ва уларга солиқларнинг таъсири таҳлил қилинган.

Қурилиш - бино ёки инфратузилманинг қурилиш жараёни ҳисобланиб, саноатда шуниси билан фарқ қиладики, одатда, саноат олдиндан маълум бўлмаган харидорлар учун бир-бирига ўхшаш буюмларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш билан шуғулланади, қурилиш эса одатда маълум бўлган мижоз худудида амалга оширилади⁶. Ҳиндистонлик қурилиш соҳасидаги мутахассис олим К.Читкаранинг фикрича, қурилиш алоҳида тармоқ сифатида ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотининг 6 фоиздан 9 фоиз улушигача қисмини ташкил этади ҳамда қурилиш-режалаштириш, лойиҳалаш ва молиялаштиришдан бошланиб, лойиҳа амалга ошириб, қурилгунча ва фойдаланишга топширилгунча давом этадиган жараённи ўз ичига олади.⁷


Мамлакат иқтисодий тараққиётида қурилиш соҳасида йирик миқдордаги давлат хариди амалга оширилиши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш омили бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу боис, қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш зарурати ортиб боради. Умуман олганда, қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг икки муҳим назарий ёндашуви мавжуд: биринчидан, қурилиш ишлари ҳажми бажарилишидан қатъи назар ундириладиган солиқлар; иккинчидан, қурилиш ишларининг маълум бир босқичлари тугатилгандан кейин унинг тасдиқланган ҳажмидан келиб чиқиб, келиб тушадиган ёки келиб тушган даромадлар бўйича солиқ мажбуриятларининг юзага келиши. Лекин, қурилиш жараёнлари бир неча молия йилида давом этишидан қатъи назар ҳар бир жорий давр учун солиқ тўловлари бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, тақсимланиб борилиши бюджет даромадларини шакллантириш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. Бошқача сўз билан айтганда, қурилиш корхоналари томонидан тўланадиган солиқларнинг жорий даврдаги қисми

⁶ Halpin, D. W., Lucko, G., & Senior, B. A. (2017). Construction management. John Wiley & Sons.

⁷ Chitkara, K. K. (1998). Construction project management. Tata McGraw-Hill Education.

бюджет даромадларига мунтазам равишда солиқларнинг келиб тушишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда, қурилишлар кўламининг кенгайиши, қурилиш корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар ҳажмининг ўсишига хизмат қилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш корхоналари томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи, фойда ва ягона солиқ тўловининг бюджет даромадларидаги улушининг ўзгариши кузатилган.



1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига асосий солиқ турлари бўйича тушумлар ўзгариш динамикаси, жами даромадларга нисбатан фоиз ҳисобида⁸

1-расмга кўра, таҳлил қилинаётган йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш корхоналари кичик бизнес субъектлари сифатида ташкил этилиб, ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган. Шу боис, ягона солиқ тўлови бўйича тушумларда қурилиш корхоналарининг улуши 2014-2016 йилларда ўсган, лекин 2017 йилда пасайиши кузатилган. Чунки, 2017 йилдан ягона солиқ тўловини тўловчи қурилиш корхоналари молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан ишлар бажарганда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этилиши муносабати билан бюджетга ҳисобланган ягона солиқ тўлови камайган⁹. 2019 йилга келиб, қурилиш корхоналари тўлаган ягона солиқ тўловининг улуши кескин пасайиб, 1,7 фоизни ташкил қилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468 сон Фармони билан қабул қилинган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига кўра, 2019 йилдан бошлаб, қурилиш корхоналари бажарган ишлари ҳажмига қараб, соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши белгиланди. Йиллик товар айланмаси 1 000,0 млн.сўмдан

⁸ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

⁹ 2020 йилга қадар амалда бўлган Солиқ кодексининг 360-моддасига мувофиқ ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорга камайтиради

юқори бўлган кичик бизнес субъектлари фойда солиғи тўлашга ўтишлари шарт. Шунингдек, ҚҚС улушининг нотекис ўзгариш тенденцияси кузатилиб, қонунчиликда бу «қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғи»¹⁰ ҳисоблаш амалиёти жорий этилиши билан изоҳланади.

Қорақалпоғистон Республикасида жами солиқлар таркибида аксарият солиқлар бўйича тушумларнинг ўсиш тенденциясини, лекин айрим солиқ турлари бўйича турли йилларда тушумларнинг камайиш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Энг юқори ўсиш суръати қўшилган қиймат солиғи бўйича таҳлил этилаётган 2014-2019 йилларда 14,9 баробарга ошган ва фойда солиғи 8,7 баробарга ошган. Қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи бўйича солиқ тушумларининг ошишига асосий сабаб сифатида, 2018 йилда Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниши муносабати билан мазкур солиқ тўловчилар сонининг ошганлигини келтириш мумкин. Худди шу солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ягона солиқ тўловчилар сонининг камайиши ҳисобига 2019 йилда ягона солиқ тўлови тушуми 36,6 фоизга камайган, 2018 ва 2019 йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг камайишига ҳудуд бўйича алоҳида фармон ва қарорлар чиқиши натижасида ушбу солиқ тўлови юзасидан имтиёзларнинг тақдим этилганлиги сабаб бўлган.

Диссертация тадқиқотининг биринчи бобидаги таҳлиллар натижасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотлари самараси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами солиқ тушумларидаги қурилиш корхоналари томонидан тўланган солиқларнинг улуши ошган. Шунингдек, қурилиш корхоналарида тез-тез учраб турадиган банкдан ташқари пул айланмалари миқдорининг камайишига эришилган. Қурилиш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган.


Диссертациянинг иккинчи боби «**Қурилиш корхоналарини солиққа тортиш механизмининг ҳозирги ҳолати ва таҳлили**»га бағишланган бўлиб, қурилиш корхоналарининг даромад ва фойдасини солиққа тортиш механизми баҳоланган, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш хусусиятлари, мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш механизми тадқиқ қилинган.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган солиққа тортиш соҳасидаги ислоҳотлар натижасида қурилиш корхоналарини солиққа тортиш механизмининг ўзгариши қўшимча рағбатни уйғотади.

Муаллиф томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган қурилиш корхоналаридаги солиққа тортиш ҳолати таҳлил

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сонли Қонунига асосан Солиқ кодексининг 349-моддасига киритилган ўзгариш. – ЎРҚХТ, 2016 й., 52-сон, 598-модда.

қилинган. Жумладан, ягона ижтимоий тўлов бўйича меъёрий миқдорларнинг қўлланилиши натижасида “Уй-жай қурилиш” МЧЖ қурилиш корхонасидаги ҳолат таҳлил қилинганда, ҳисобланган ягона ижтимоий тўловлар қурилиш корхоналарида қўшимча солиқ юкининг ҳосил бўлишига замин бўлганлиги аниқланган.




2-расм. “Уй-жай қурилиш” МЧЖ қурилиш корхонасида ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган меъёрий миқдорлар улушининг ўзгариши¹¹

2-расмга кўра, ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисобланган меъёрий миқдорлар иш ҳақиға нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов миқдориға мос тесқари мутаносиб равишда ўзгариб турган. Агар иш ҳақиға нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов миқдори юқори бўлса, меъёрий миқдорлар улуши камроқ бўлган, 2015-2017 йилларда иш ҳақиға нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов миқдори пасайгани сари, меъёрий миқдорлар улуши ошиб борган. 2014-2018 йилларда “Уй-жай қурилиш” МЧЖ қурилиш корхонасида жами 80 501,7 минг сўмлиқ ягона ижтимоий тўлов бўйича белгиланган ставкалардан ортиқча меъёрий миқдорлар бўйича қўшимча ягона ижтимоий тўлов тўлаган. Бунинг натижасида корхона харажатларининг ошиши, молиявий натижаларға салбий таъсир кўрсатган.

Хулоса шуки, ягона ижтимоий тўловнинг энг кам меъёрий миқдори қурилиш корхоналари молиявий фаолиятиға салбий таъсир этган. Шунингдек, ишчи ходимларнинг ҳақиқий ишлаган иш ҳажмидан келиб чиқиб, ишбай иш ҳақларини ҳисоблашда мураккаблиқлар келиб чиққан. Шу боис, муаллиф фикрича, 2019 йил 1 январидан бошлаб, давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган қурилиш корхоналари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизға пасайтирилиши муносабати билан, ягона ижтимоий тўлов бўйича меъёрий миқдорларнинг бекор қилиниши мақсадға мувофиқдир.

¹¹ “Уй-жай қурилиш” МЧЖ қурилиш корхонаси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.


Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига ундирилган қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларда қурилиш корхоналари томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи тушумларининг ўзгариши 3-расмда келтирилган.



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига ундирилган қўшилган қиймат солиғи жами тушумларида қурилиш корхоналари томонидан тўлаган ҚҚС улушининг ўзгариши, фоизда¹²

3-расм таҳлилига кўра, 2019 йилда 2014 йилга нисбатан қўшилган қиймат солиғининг жами тушумида қурилиш корхоналари томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи тушумлари улуши 2,2 фоизли пунктга ўсган.

Хулоса қилиб айтганда, 2017 йилда Солиқ кодексининг 349-моддасига киритилган ўзгаришлар натижасида қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш жорий этилиши билан изоҳланади.



4-расм. Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш корхоналаридаги машина ва механизмлар қийматида қўшилган қиймат солиғи миқдори, млн. сўмда¹³

¹² Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

¹³ Қурилиш корхоналари ҳисобот материаллари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

4-расм маълумотларига кўра, қурилиш корхоналарининг балансидаги асосий воситалар таркибида машина ва механизмларнинг қиймати 2019 йилда 2014 йилга нисбатан 22103,58 млн.сўмга ўсган бўлса, уларга нисбатан кўшилган қиймат солиғи миқдори 3683,93 млн.сўмни ташкил қилган.

Юқоридагидан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки, қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш фаолиятининг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, қурилиш корхоналарида машина ва механизмлар сотиб олишда ҳисобланган кўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинмаган суммани аниқлашда йил давомида тенг тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, сотиб олинган асосий воситалар учун тўланган кўшилган қиймат солиғи ҳисоботда ҳисобга олинмаслиги, сотиб олинганда асосий восита учун тўланган ҚҚС суммаси асосий воситанинг бошланғич қийматини кўпайтиради ва амортизация ажратмаси сифатида қурилиш корхоналари таннархининг ошишига олиб келади.

Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасида, жумладан, Японияда солиққа тортиш нуқтаи назаридан асосий воситалар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган тарзда тавсифланади ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган машина ва механизмларни сотиб олиш жараёнидаги тўланган кўшилган қиймат солиғи, кейинчалик ишлаб чиқариш жараёнидаги кўшилган қиймат бўйича тўланадиган солиқдан чегирилади¹⁴.

Муаллиф фикрича, Япония тажрибасини республикада ижодий қўллаган ҳолда кўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситалар сифатида харид қилинган машина ва механизмларга тегишли кўшилган қиймат солиғи суммасини 12 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси «QALBAQ QURILIS» МЧЖ қурилиш корхонасида 2019 йилда 705,0 млн.сўмга махсус техника ҚҚС билан харид қилинган ва кейинги 12 ой давомида тегишли ҚҚС суммаси, яъни 117,5 млн.сўм бўлиб-бўлиб ҳисобга олинган.

Мол-мулк ва ер солиғи 2020 йилга қадар эски таҳрирдаги Солиқ кодексига 2018 йилда киритилган ўзгаришларга мувофиқ, “тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган тақдирда эса қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида тугалланмаганда, мол-мулк солиғи ва ер солиғи солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб, белгиланган ставканинг уч баравари миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ахбороти асосида ҳисоблаб чиқарилиши¹⁵ белгиланди. (1-жадвалга қаранг)

¹⁴ Ш.Мусалимов. Налог на имущество в Японии//Журнал «Биржа эксперт», 2010 г. № 3. С.61.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонунига асосан киритилган ўзгаришлар — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон

1-жадвал

«Жайхун куба-кус» ва «Хўжайли-Шахноза» қурилиш корхоналарида
24 ой муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича ҳисобланган
солиқларнинг қиёсий таҳлили¹⁶

Кўрсаткичлар	«Жайхун куба-кус» МЧЖ (Нукус ш.)	«Хўжайли- Шахноза» МЧЖ (Хўжайли т.)
Қурилиши муддатида тугалланмаган объект қиймати, минг сўм	2164000,0	207590,0
Солиқ кодексига асосан уч қарра ҳисобланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи суммаси, минг сўм	324600,0	31138,5
2018 йил 9 ой учун ҳисобланган сумма (/12*9)	243450,0	23353,9
2018 йилда қўшимча ҳисобланиши лозим бўлган мол- мулк солиғи, минг сўм	243450,0	23353,9
Ер солиғи ставкаси, минг сўм	16509,7	13922,3
2018 йилда ҳисобланган ер солиғи суммаси, минг сўм	24434,3	15732,3
Ер солиғининг уч қарраси, минг сўм	49529,1	41767,1
Уч қарра ҳисобланиши лозим бўлган ер солиғи суммаси, минг сўм	101386,0	18795,2
2018 йилда қўшимча ҳисобланиши лозим бўлган ер солиғи суммаси, минг сўм	76951,7	3062,9
Жами ҳисобланган мол-мулк ва ер солиғи, минг сўм	320401,7	26416,8
Умумий қўшимча ҳисобланган мол-мулк ва ер солиғи, минг сўм	346818,5	

1-жадвалга кўра, таҳлил қилинаётган ҳар икки қурилиш корхонаси 2018 йилдан жорий этилган қурилиш белгиланган муддатда тугалланмаганда ер ва мулк солиғи бўйича ўрнатилган ставкани 3 баравари миқдорида тўлаш амалиёти жорий этилиши натижасида 346,8 млн.сўм қўшимча мол-мулк ва ер солиқларини тўлаган. Қурилиш корхоналари ўз тижорат фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида қурилиш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган меъёрий муддатда, бундай меъёрий муддатлар ўрнатилмаганда қурилиш бошланган вақтдан бошлаб 24 ой ичида тугатилмаган мол-мулк солиғи ва ер солиқлари бўйича белгиланган ставканинг уч бараварга оширилган ставкаларини қўллаш амалиёти бекор қилиниши мақсадга мувофиқ. Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш корхоналарида ер ва мол-мулк солиқларининг уч қарра оширилган ставкалари қўлланмаслиги ҳисобига 2019 йилда 115 606,2 минг сўм миқдорида маблағлар тежаб қилинишига эришилган. Ушбу таклифнинг жорий этилиши, биринчидан қурилиш корхоналарида тадбиркорлик фаолияти юритиш учун ажратилган ерлардан самарали фойдаланишда рағбат уйғотади, иккинчидан айланма маблағлар четланишининг олди олинади.

2020 йилда «Уй-жай қурилиш» МЧЖ томонидан фойдаланишга топширилган турар-жой мажмуасининг қиймати 18 450,0 млн.сўмни ташкил этган. Мазкур мажмуанинг қиймати 12 446,0 млн.сўм бўлган квартиралари

¹⁶ Қурилиш корхоналари ҳисобот материалларидан олинган.

сотилган, 6 004,0 млн.сўм қийматидаги квартиралар ҳанузгача сотилмаган. Эски таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ, ушбу сумма юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи объектига айланиб, қурилиш корхонаси 10,0 млн.сўм солиқ тўларди. Муаллиф таклифига кўра, мазкур 10,0 млн. сўм қурилиш корхонаси ихтиёрида қолиши таъминланган.

Диссертациянинг яқунловчи боби «**Қурилиш корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланиб, хориж мамлакатларида қурилиш корхоналарини солиққа тортиш хусусиятлари ва республикада қурилиш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришда солиқлар таъсирини ошириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.


Қурилиш корхоналарини солиққа тортишнинг хориж тажрибасида мазкур корхоналар учун алоҳида солиқ режими жорий этилмаган. Барча солиқ тўловчилар сингари фойдаланиладиган ер, сув ресурслари, мол-мулки ҳамда фаолияти ва молиявий натижаларидан келиб чиқиб, солиқлар тўлайдилар. Хусусан, Буюк Британияда қурилиш соҳасидаги солиқларни яшириш ва суиистеъмол қилиш рискинни камайтириш мақсадида 2017 йилдан бошлаб қўлланилаётган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда орқага қайтариш механизми мавжуд. Шунингдек, қурилиш корхоналари ва умуман қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчи корхоналар сифатида йиллик товар айланмаси 85,0 минг фунт стерлингдан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтишлари зарур бўлади. Одатда, қурилиш корхоналари 20 фоиз ставка бўйича солиққа тортилади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда бажарилган қурилиш ишлари учун буюртмачидан олинadиган ҚҚС (чиқиш ҚҚС) билан сотиб олинган қурилиш материаллари учун тўланган ҚҚС (кириш ҚҚС) ўртасидаги фарқ суммаси бюджетга тўланиши зарур бўлади. Қурилиш материаллари импорт қилинган ҳолатларда кириш ҚҚС сифатида оширилган суммаларни кўрсатиш орқали ёки имтиёзга эга корхоналардан (масалан, 85,0 минг товар айланмасидан кам бўлган ва ҚҚС тўловчи корхона сифатида рўйхатдан ўтмаган хўжалик юритувчи субъектлардан) сотиб олинган қурилиш материаллари учун счет-фактурада кўрсатилмаган ҳолатларда кириш ҚҚС суммасини сунъий равишда ошириш орқали бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини камайтириб, ҳисоботларни топшириш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида 2017 йилдан қўшилган қиймат солиғини «орқага қайтариш» механизми жорий этилган¹⁷.

Хитойда шаҳар қурилишини доимий қўллаб-қувватлаш ва молиявий таъминотини яхшилаш мақсадида шаҳар қурилишини қўллаб-қувватлаш солиғи жорий этилган. Ушбу солиқ 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб жорий этилган бўлиб, хорижий капитал асосида ташкил этилган ва чет эл корхоналарига нисбатан қўлланилади. Бунда солиқ базаси бюджетга тўланиши зарур бўлган қўшилган қиймат солиғидан келиб чиқиб

¹⁷ Taxation in the construction industry. Antony Seely Commons Library Briefing, 9 September 2019. P. 37-39. <http://researchbriefings.files.parliament.uk/documents/SN00814/SN00814.pdf>

ҳисобланади ва корхоналарнинг жойлашган жойига қараб табақалаштирилган¹⁸.

Жаҳонда юз берган ипотека инқирози қурилишга маблағларни йўналтиришнинг қисқариши рискни келтириб чиқарди. Буни ҳал қилиш мақсадида ривожланган давлатларда инфратузилмани ривожлантиришнинг турли механизмларидан фойдаланилди. Ушбу объектлар қурилишини жорий солиқ ва йиғимлардан тушумлар ҳисобидан молиялаштириш, фойдаланиш ҳуқуқини бериш каби афзалликлар кўринишидаги бўлажак фойдани, яъни инвестициялар мультипликациясини ҳамда истиқболда бюджет даромадларига тушумларни оширишни кўзда тутди. Мазкур механизм жаҳонда Tax Increment Financing (TIF) ёки “Истиқболдаги солиқ тушумлари ошишини молиялаштириш” (ИСТОМ) механизми деб аталиб, қурилиш ишларини келгусида солиқ тушумларини оширишга қаратилган инвестициялаш механизмига киради¹⁹.



5-расм. Истиқболдаги солиқ тушумлари ошишини молиялаштириш бўйича қурилиш лойиҳасини амалга ошириш босқичлари²⁰

Ушбу лойиҳани амалга ошириш сотувлардан солиқлар ёки қўшилган қиймат солиғи ҳисобига даромадларнинг ҳам кўпайишига, иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Аммо, ушбу омиллар иккиламчи омиллар

¹⁸ <http://chinawindow.ru/china/legal-information-china/chinese-taxation/city-maintenance-construction-tax/>

¹⁹ Strickland, T. (2013) The Financialisation of urban development: Tax increment financing in Newcastle upon-Tyne, *Local Economy*, 28(4), 384-398.

²⁰ <http://www.mirkin.ru/docs/book048.pdf>

ҳисобланади, асосий омил инфратузилманинг ривожланиши натижасида ер ва мулк қийматининг кўтарилиши ҳисобидан ер ва мулк солиқларининг ошиши ҳисобланади. Ривожланган давлатларда бир неча йиллардан буён самарали қўлланиб келаётган истикболдаги солиқ тушумлари ошишини молиялаштириш (ИСТОМ) механизми орқали ҳудудларда инфратузилмани барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган қурилиш ишлари ҳисобига бўлажак солиқ тушумларини кўпайтиришни кўзда тутувчи қурилиш лойиҳалари бўйича солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда республикада молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича қонунчиликдаги ўзгаришлар юз берди. Буни қуйидаги 2-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз:

2-жадвал

"Уй-жай қурылыс" МЧЖ да молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари асосида амалга оширилаётган қурилиш объектлар бўйича ҚҚС ҳисобланиши таҳлили (млн. сўмда)²¹

т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Жами бажарилган қурилиш ишлари ҳажми (ҚҚС билан бирга)	27462,08
2.	Бажарилган қурилиш ишлари (ҚҚСсиз)	25401,87
3.	Ш.ж. молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига бажарилган ишлар (ҚҚС сиз)	10301,05
4.	Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига бажарилган ишлар бўйича ҚҚС	2060,21
5.	Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига бажарилган ишлар бўйича ҳисобга олинган ҚҚС	234,94
6.	Бюджетга ҳисобланган ҚҚС	1825,26
7.	Жами ҳисобланган ягона солиқ тўлови	331,13
8.	Корхонанинг соф фойдаси	1143,37
9.	Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари асосида бажарилган ишлар бўйича тўланган ҚҚС ҳисобига фойданинг камайиши	1825,26

2-жадвалга кўра, "Уй-жай қурылыс" МЧЖ молиялаштиришнинг марказлашган ва марказлашмаган манбалари ҳисобидан қурилиш ишларини бажарган. 2018 йилда жами бажарилган ишлар ҳажми кўшилган қиймат солиғисиз 25 401,9 млн.сўмни ташкил этган бўлса, шундан 10 301,1 млн.сўм, ёки 40,6 фоиз миқдорида бажарилган ишлар марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган. Мазкур бажарилган ишлар ҳажмига нисбатан 2 060,2 млн.сўм миқдорида кўшилган қиймат солиғи ҳисобланган, ушбу қурилиш ишлари учун сарф қилинган хом ашё, материал ва бошқа хизматлар учун 234,9 млн.сўм миқдорида тўланган кўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинганлиги туфайли давлат бюджетига 1 825,3 млн.сўм кўшилган қиймат солиғи ҳисобланган. "Уй-жай қурылыс" МЧЖ шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қурилиши учун 18 777,3 млн.сўм миқдорида бажарган

²¹ Қурилиш корхонаси ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ишлари²² ва тўлов манбаида солиғи ушлаб қолинган дивидендлар бўйича 1,9 млн.сўм миқдорида ягона солиқ тўлови базаси камайтирилиб, бюджетга ҳисобланган ягона солиқ тўлови 331,1 млн.сўмни ташкил этган ҳамда ушбу суммага соф фойдаси камайган. Лекин мазкур ишлар ҳажмидан қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиши натижасида 1 825,3 млн.сўмга фойданинг камайиши юз берган.

Хулоса қилинганда, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилган ишлар ҳажмидан қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши қурилиш корхоналари молиявий фаолиятига салбий таъсир этмоқда, шундан келиб чиқиб, кичик ҳажмда субпудратчи сифатида қурилиш ишларини бажарувчи йиллик обороти 1 млрд.сўмдан ошмайдиган қурилиш корхоналарига соддалаштирилган тартибда айланмадан солиқ тўлаш ҳуқуқини сақлаган ҳолда қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга ошириладиган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг бекор қилиниши мақсадга мувофиқ.

3-жадвал


Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ ва унинг таркиби ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлили

Корреляцион боғлиқлиги Эҳтимоллилик	ЯҲМ	Қурилиш	Саноат
ЯҲМ	1.000000 -----		
Қурилиш	0.987 0.0000	1.000000 -----	
Саноат	0.985 0.0000	0.958 0.0000	1.000000 -----

